



Шарк миниатюра санъати тарихий шахсларнинг ташки кўринишини аниқлашда кимматли илмий манба бўла олади. Жумладан, буюк темурийзода Муҳаммад Тарагай Мирзо Улугбекнинг (1394–1449) хакикий сиймосини тасаввур қилишда ўрта асрларда яратилган миниатюралар муҳим ўрин тутди.

Ўрта асрларда Ғарб ва Шарқ мусаввирлари Мирзо Улугбек сиймосига бир неча бор мурожаат қилган бўлса-да, ҳозирча унинг тириклик вақтида қизилган суратлардан факат иккитаси аниқланган. Улардан бири Абдуррахмон ас-Суфийнинг маърифатпарвар ҳукмдор кўрсатмаси билан 1437 йилда кўчирилган “Китаби қавакиб ас-сабита” (“Кўзгалмас юлдузлар китоби”) кўлёмасидаги тасвирдир. Ушбу асар сомонийлар ҳукмдорлиги даврида, александриялик олим Птолемейнинг “Алмагест” асарига шарҳ сифатида битилган.

Маълумотларга кўра, Мирзо Улугбек илмий фаолияти давомида “Китаби қавакиб ас-сабита”га кўп бор мурожаат қилган, ушбу асар “Зижи жадиди Кўрагоний” жадвали учун ҳам асос бўлиб хизмат қилган. Самарқандда икки марта кўчиртирилган кўлёмзада юлдуз туркумлари инсонлар ва жонзотларнинг тасвири ёрдамида акс эттирилган. Кўлёмзадан жами 78 та миниатюра ўрин олган (Moritz Steinschneider, “Über die Mondstationen (Naxatra), und das Buch Arcandam”, Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft, 18 (1864), 118-201).

Цефей (Кайковус) юлдуз туркуми учун қизилган сурат Мирзо Улугбекнинг юз тузилишига ўхшаб кетади. Маълумки, сарой миниатюраларида шохлик рутбаси соҳиби юз қизгиларидан қудратли қахрамонни акс эттиришда кенг фойдаланилган. Бу кўлёмзада ҳам мусаввир Мирзо Улугбек сиймосини гавдалантирган бўлиши мумкин. Саҳифада ҳукмдор само гумбазида, соябонли оқ қулоҳ қийган, оёқяланг ҳолатда тасвирланган.



Замонавий текширувларга кўра, Цефей юлдуз туркуми 148 та юлдузни ўз ичига олади (Зигель Ф. Сокровища звёздного неба: Путеводитель по созвездиям и Луне. Москва, “Наука”, 1980). Бирок кўлёздада подшоҳ тасвирининг турли қисмларида белгиланган 13 та юлдузни кўришимиз мумкин. Демак, ўша даврда бу туркумдаги юлдузларнинг фақат 13 таси аниқланган.

Мирзо Улугбек ҳаётлигида тасвирланган яна бир сурат Вашингтондаги Фрир санъат галереясида сақланмоқда. Муаллифи номаълум сурат тепасига араб тилида “Буюк султон Улугбек Кўрагон, Оллоҳ унинг салтанатини абадий қилсин!” деб ёзилган. Мана шу жумланинг ўзиёқ сурат ҳукмдорнинг тириклик пайтига оид деб ҳулоса чиқаришга асос бўлади. Суратда султон табиат қўйнида – оқ рангли бош қийим, мовий чакмон ва яшил яқтакда, соябон остида, кўрпачада ўтирган ҳолатда тасвирланган. Миниатюрада ортиқча ҳашам кўзга ташланмайди. Орқарокда турган камон ва садок ҳукмдорнинг яқинда овдан қайтганини кўрсатади. Ўнг томонда ерда ўтирган мулозимлар ва тик турган хизматкорлар кўзга ташланади. Икки мулозим лочин ушлаб олган. Улардан қуйироқда, гилам ва кўрпачаларда беш аёл тасвирланган. Улардан иккиси маликаларга хос қизил либос кийган. Тепарокда қора қийимли бека ёнида ўтирган икки аёлга танбех бермоқда. Аёлларнинг шох оила аъзолари, мулозимлар ҳамда хизматкорлар даврасида очик юз билан ўтириши теурийлар даврида бу масалага нисбатан эркин қаралганидан далолат беради.

Чап бурчакда қора танли икки гулом кўрикчилик қилмоқда. Сал берироқда эса Мирзо Улугбекнинг ўғиллари Абдуллатиф ва Абдулазиз бир-бирини оғаларча қучиб турибди. Уларни 16–19 ёшларда деб тахмин қилиш мумкин (Абдухоликов Ф., Ртвеладзе Э. Шарк миниатюраси. Тарихий шахслар. Тошкент. “Замон пресс инфо”, 2022. 132-бет).

Ўнг бурчакда Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонидан 24 мисра келтирилган. Демак, бу саҳифа Низомий “Хамса”сидан олинган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўлёзма 1441-1442 йилларда Самарқандда кўчирилган. Бу – Улугбек оиласининг энг бахтли дамлари бўлса ажаб эмас. Кўп ўтмай ота ва фарзандлар ўртасида бошланган низо 1449 йилнинг октябрь ойида буюк ҳукмдор Мирзо Улугбек ва

унинг кенжа ўгли Абдулазизнинг катли билан якунланган. Тахтни эгаллаган Абдуллатиф ҳам олти ой ўтмай ўлдирилган.

Хар икки суратга хос бўлган умумий хусусият бош кийимда кўзга ташланади. Хукмдорнинг оппок бош кийими соябонли кулоҳни эсга солади. Кулоҳга шохларга хос тўга (ёки укпар) тикилган. Хар икки миниатюрада ҳам хукмдор енгсиз мовий чакмонда. Тасвирлардаги юз чизгилари ҳам бир-бирига ўхшаш. Ушбу тасвирлардан Мирзо Улугбек чўзинчок юзли, кисик кўзли, соколи сийрак, кизгиш тусли, ок юзли инсон бўлганини билиш мумкин.

Фирдавс АБДУХОЛИКОВ

мустиқил тадқиқотчи